

# ПУДРАТ ШАРТНОМА № 58694.

Ўзбекистон тумани

«18» XI 2022 йил

“Элит Грант Курилиш” МЧЖ бундан буён матнда «Хизмат курсатувчи» деб аталади корхона номидан раҳбари Муйдинов С бир томондан бундан буён матнда «Буюртмачи» деб аталувчи Ўзбекистон тумани Ободонлаштириш бошкармаси номидан амалдаги Низом асосида фаолиятни амалга оширувчи раҳбар Ф Муратов иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

## 2. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Хизмат курсатувчи» буюртмачига мазкур шартнома шартлари асосида қуйидаги миқдор ва қийматларда хизмат курсатади. «Буюртмачи» эса хизмат курсатиш ҳақини шартнома шартлари ва муддатлар асосида тўлаб, қабул қилиб олади.

т.р.	Номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Суммаси
1	Учбулак мфйга ичимлик суви кудугини казиш учун	хизмат	1	266006097,88	266006097,88
Икки юз олти миш олти миллион олти минг туксон етти сум, 88 тийин					

## 2. ҲИСОБ КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1 Иш бажариш учун тўлов мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб «Буюртмачи» томонидан олдиндан 30% миқдорида пул ўтказиш йўли орқали амалга оширилади.

2.2 «Буюртмачи» томонидан шартнома умумий суммасининг 70% тўлови «Хизмат курсатувчи» томонидан далолатнома асосида топширилгандан сўнг ва ҳисоб-фактуралар тақдим қилингандан кейин амалга оширилади.

2.3 Хизмат курсатувчи топшириш вақтида нарх ўзгарса, «Хизмат курсатувчи» томонидан «Буюртмачи» огохлантирилади ва уни розилигини олади.

2.4 Қабул қилиб олинган хизмат курсатиш ишларининг тўлов муддати 15 иш кунда амалга оширилади.

2.5 Томонлар ўртасида ҳисоб-китоб пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

## 3. ХИЗМАТ КУРСАТИШ СИФАТИ ВА БАЖАРИБ БЕРИШ МУДДАТЛАРИ

3.1 Хизмат курсатиш сифати белгиланган стандартларга ва «Буюртмачи» нинг талабларига мос келиши шарт.

3.2 «Хизмат курсатувчи» мазкур шартнома қонуний кучга киргандан сўнг хизмат курсатишни 30 иш кунни давомида «Буюртмачи» га бажариб беради

## 4. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1 Ушбу шартномадаги шартлар асосида бажарилган хизмат буйича ҳужжатларни «Буюртмачи» га топширади.

4.2 «Буюртмачи» га берилиши лозим бўлган хизмат курсатишни давлат стандартларига жавоб беришини қайта текширувдан ўтказди.

4.3 «Буюртмачи» га бажарилган хизмат топширилгандан сўнг уни сақлаш ва қандай ҳолда ишлатиш каби ҳолатларга жавобгарликдан мустаснодир.

4.4 «Буюртмачи» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш, хизмат курсатиш сифатига қараб ўз вақтида қабул қилиб олиш.

4.4 Тегишли даражада сифатли бўлмаган ҳолда бажарилган иш аниқланганда, далолатнома тузилиб бу ҳақида 3 иш куни ичида «Хизмат курсатувчи»ни огоҳлантириш.

## **5. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР**

5.1. Мазкур шартлар тарафлар, уларнинг каффилланган шахслари ва ишчиларининг бизнесни очик ва ҳалол юритиш тамойилларига содиқлигини акс эттиради, кўрсатилган шахсларнинг коррупсиявий фаолиятга аралashi хатарларини минималлаштиришга, шунингдек тарафларнинг ишбилармонлик обрўсини юқори даражада сақлашга қаратилган.

5.2. Тарафлар мазкур шартларга риоя қилиш ҳамда мазкур шартнома бўйича ҳаракат қилувчи ўз каффилланган шахслари ва ишчилари томонидан риоя қилинишини таъминлаш, шунингдек мазкур шартларнинг амалда бузилган ёки бузилиши мумкин бўлган ҳолатларда бир бирига ёрдам кўрсатиш мажбуриятини олади.

5.3. Тарафлар мазкур шартномани бажаришда қуйидаги ҳаракатларни амалга оширмаслик, шунингдек ўз каффилланган шахслари ва ишчилари ушбу ҳаракатларни бевосита ёки билвосита амалга оширмаслигини таъминлаш мажбуриятини олади: мансабдор шахслар, мансабдор шахсларнинг қариндошлари ёки мансабдор шахслар томонидан кўрсатилган шахслар, ёхуд давлатга бирон тарзда алоқадор шахсларга тарафлар, мазкур шартнома бўйича ҳаракат қилувчи уларнинг каффилланган шахслари ва ишчилари учун ноқонуний равишда устунликларга эга бўлиш мақсадида пул воситалари тўлаш ёки тўлашни таклиф қилиш ёки бошқа қимматликларни тақдим қилиш, ишлар (хизматлар)ни бепул бажариш ва ҳ.р. рағбатлантирувчи Тараф фойдасига бирон-бир ҳаракатларни амалга оширилишини (оқланмаган устунлик бериш, бирон-бир кафолатлар тақдим қилиш, тегишли тартиб-таомилларни тезлаштириш ва ҳ.) таъминлаш мақсадида бошқа тараф ишчиларига, унинг аффилланган шахсларига пул воситалари тўлаш ёки тўлашни таклиф қилиш, ёки бошқа қимматликларни тақдим қилиш, ишлар (хизматлар)ни бепул бажариш ва ҳ. коррупсияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликни бузувчи, шу жумладан тижоратда пора эвазига оғдириб олиш ҳамда бизнесни юритишнинг қонунга хилоф ва ғайриҳуқуқий бошқа ҳаракатлар.

5.4. Агар тарафда коррупсиявий ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки содир этилиши мумкинлиги ҳақида гумонлари пайдо бўлса, тегишли тараф бошқа тарафни бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилиш мажбуриятини олади ва тегишли ҳуқуқбузарлик содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги ҳақида бошқа тарафнинг тасдиқномасини олгунга қадар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари ижросини тўхтатиб туришга ҳақли. Тасдиқнома ёзма хабарнома олинган санадан 10 (ўн) банк иш куни давомида юборилиши лозим.

5.5. Бир тараф коррупсияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганда ёки бошқа тараф ҳуқуқбузарлик содир бўлмаган ёки содир бўлмаслиги ҳақида ўрнатилган муддатда тасдиқнома олмаган тақдирда, бошқа тараф шартномани бекор қилиш ҳақида ёзма хабарнома жўнатган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга. Мазкур шартлар қоидалари асосида шартномани бекор қилиш ташаббуси билан чиққан тараф, шартномани бекор қилиш натижасида вужудга келган ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

## **6. МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИК**

6.1 Бажарилмаган ишлар муддати кечиктириб юборилган ҳолларда «Хизмат курсатувчи» томонидан «Буюртмачи» га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган хизматлар баҳосининг 25 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

6.2 Бажарилган ишларни ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун «Буюртмачи» томонидан «Хизмат курсатувчи»га суммаси 25 фоизи миқдорида жарима ва ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,5 фоизини, аммо тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

## 7. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИҚДАН ОЗОД ЭТИШ

7.1 Томонлардан бири шартномани енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғокчилик, сув тошқини, ёнгин ва бошқа табиий офатлар) Форс мажор туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа жавобгар бўлмайди.

## 8. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

8.1 Ушбу шартнома хар иккала томонлар томонидан имзоланган ва ҳуқуқшунос томонидан тасдиқлангандан сўнг қонуний кучга киради. Шартнома бир ҳил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилади ва хар иккала томонга бир нусхадан берилади.

8.2. Ушбу шартнома бир томонлама бекор қилинишига йул қўйилмайди.

8.3. Имзоланган шартнома «31» декабрь 2022 йилгача амалда килади.

8.4. Шартнома юзасидан келиб чиқадиган хар қандай низолар тарафлар келишуви билан ҳал этилмаса, судлар томонидан кўриб чиқилади.

«ПУРАТАЧИ»  
Элит Гранд Қурилиш Идора  
Манзил: Учаскира Тўғрив  
ш/хр: 10208000500580459001  
ХФРД, 00973  
Банк: Универсал Банк  
ИНН: 303440805. ОКОНХ: \_\_\_\_\_  
Тел.: \_\_\_\_\_


Рахбар: Муратов



### «БУЮРТМАЧИ»

Ободонлаштириш бошқармаси\_  
Манзил: А Навоий кучаси № 29уй  
ш/хр401722860302307065200110002  
Х/р:23402000300100001010 инн 200189280  
Банк: Марказий банк Тошкент ХККМ  
ИНН:201122919\_ МФО 00014  
Тел.: \_\_\_\_\_

Рахбар: Муратов Ф Муратов



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

ZK6401610781

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Xo‘jalik munosabatlari**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: O‘ZBEKISTON TUMAN OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI tomonidan 17.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

O‘zbekiston tumani  
yuridik markazi  
bosh yuristkonsulti:



S.G‘.XURSANOV

18.11.2022